# № 122395-сонли пудрат шартномаси

Шароф Рашидов тумани "29" июл 2022 йил

**Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш бошкармаси** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиги в.в.б. **А.Абсаитов** ва **MALIKA-MOHINUR BUILDINGS МЧЖ** кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи корхона **раҳбари Ш.Хайдаровлар** мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. Шартнома предмети**

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**Шароф Рашидов туман Кахрамон МФЙ Бахора кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун**

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил "29" июлга қадар пудратчига зарурий лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

**2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати**

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и миқдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлик ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома тегишли юрист хулосаси олиниб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

**3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

## 4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **ҚҚС билан биргаликда 215 377 900,0 (икки юз ун беш миллион уч юз етмиш етти минг туккиз юз) сўмни** ташкил қилади.

4.2.Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

## 6. Форс-мажор холатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошкини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор килишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

### 9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.2.Шартномага илова ____________________________________________

### 9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

| “Ижрочи” | “Буюртмачи” |
|---|---|
| **MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ** | **Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш бошкармаси** |
| (етказиб берувчининг (пудратчининг) номи) | (буюртмачи номи) |
| Манзил: **Жиззах шахар Бобур махалласи**<br>Тел./факс (90) 538-44-72 | Манзил: **Шароф Рашидов тумани Кахрамон МФЙ Гулбог кучаси 1-уй**<br>Тел./факс (72) 222-05-12 |
| (х/в ёки ШҒҲ) **20208000905077717001**<br>Банк номи: **АТ "АЛОКАБАНК" ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ**<br>МФО: **00 401** СТИР **306430039**<br><br>QQS to‘lovchisining ro‘yxatdan o‘tish kodi: **308120089448** | Шғҳ* **100022860082127045204110005**<br>Ташкилотнинг СТИРи **201 009 503**<br>ИФУТ **90211**<br>Ғазначилик бўлинмасининг номи<br>**Жиззах вилоят Шароф Рашидов тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси**<br><br>**ЯҒҲ 23 402 000 300 100 001 010**<br>Банк номи: **Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)**<br>МФО: **00014**<br>Ғазначилик бўлинмасининг<br>СТИРи: **201 122 919** |
| Раҳбар: **Ш.Хайдаров**<br>(лавозим) (Ф.И.Ш)<br>__________ (имзо)<br>М.Ў. | Буюртмачи раҳбари : **А.Абсаитов**<br>(лавозим) (Ф.И.Ш)<br>__________ (имзо)<br>М.Ў. |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: XW35624280б2

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: shartnoma №122395

2. Loyihaning nomi:

Ushbu shartnomani Sharof Rashidov tuman Obodonlashtirish boshqarmasi (Buyurtmachi) nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi boshlig‘i v.v.b. A.Absaitov va “MALIKA-MOHINUR BUILDINGS” MCHJ (Pudratchi) nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi rahbari Shodiyor Xaydarovlar Sharof Rashidov tuman Qahramon MFY, Bahora ko‘chasini joriy ta’mirlash ishlarini bajarish to‘g‘risida.

Mazkur shartnomaning bahosi 215 377 900,0 (ikki yuz o‘n besh million uch yuz yetmish yetti ming to‘qqiz yuz) so‘mni tashkil qiladi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

Sharof Rashidov tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 29-iyul kuni markazga yuborilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **A.Muxtarov**

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 122395 на приобретение Шароф Рашидов туман Кахрамон МФЙ Бахора кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш**

Способ проведения электронный

Дата 27.07.2022

Время рассмотрения 27.07.2022 10:14

Конкурсная комиссия Жиззах туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ABSAITOV ARSLON SALKINOVICH | Raxbar | SH.Rashidov TOB |
| **Секретарь комиссии** | AZIMJONOV FAYOZJON AZIMJON O‘G‘LI | Омбор мудири | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | ISROILOV G‘OFUR QURBONBOYEVICH | Хисобчи | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | TOG‘AYEV MUZAFFAR UMMATOVICH | Нурчи | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | ABDUSALAMOV ORIFJON OCHILBAYEVICH | Бош хисобчи | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | SHADIYEV SHERZOD NIZAMITDINOVICH | Бош мухандси | Комиссия раиси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.07.2022 года № лота 122395.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог** |
| Подробное описание | Шароф Рашидов туман Кахрамон МФЙ Бахора кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 217 359 128.00 |
| Стартовая сумма | 217 359 128.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Обектни бюртмачи масул ходими билан бирга урганганлиги хакидаги малумотномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Обектни бюртмачи масул ходими билан бирга урганганлиги хакидаги малумотномаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **STROY IZOBILIE МЧЖ** | 15 | Обьект билан | 13 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | танишиб чикилганлиги тугрисида малумот | | | | |
| **ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER** | 15 | 1. Обектни бюртмачи масул ходими билан бирга урганганлиги | 8 | Экспертная | | |
| **MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ** | 15 | Объектни урганиш маълумотномаси бор | 14 | Экспертная | | |
| **MANSUR STROY HOUSES MCHJ** | 15 | Малумот такдим килинди | 10 | Экспертная | | |
| **MCHJ DNM RESEARCH** | 15 | 198000000 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 танловда иштирок этадиган корхонанинг балансидаги махсус техниклари ва механизмлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: танловда иштирок этадиган корхонанинг балансидаги махсус техниклари ва механизмлари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **STROY IZOBILIE МЧЖ** | 20 | Техникалар малумоти | 15 | Экспертная | | |
| **ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER** | 20 | 6. танловда иштирок этадиган корхонанинг балансидаги махсус техниклари ва механизмлари тугрисида маълумот | 15 | Экспертная | | |
| **MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ** | 20 | Махсус техниклари ва механизмлар бор | 18 | Экспертная | | |
| **MANSUR STROY HOUSES MCHJ** | 20 | Машина механизмлар малумоти | 5 | Экспертная | | |
| **MCHJ DNM RESEARCH** | 20 | 198000000 | 16 | Экспертная | | |

Критерий №3 танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида маълумот (баланс, молиявий натижалар-белгиланган тартибда)

Тип: Текстовое значение

Описание: танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида маълумот (баланс, молиявий натижалар-белгиланган тартибда)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| STROY IZOBILIE МЧЖ | 15 | Баланс. Молиявий натижа | 12 | Экспертная | | |
| ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER | 15 | 5. танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида маълумот (баланс, молиявий натижалар-белгиланган тартибда) | 5 | Экспертная | | |
| MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ | 15 | Молиявий баркарор | 13 | Экспертная | | |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ | 15 | Молиявий малумотлар такдим килинди | 8 | Экспертная | | |
| MCHJ DNM RESEARCH | 15 | 198000000 | 12 | Экспертная | | |

Критерий №4 танловда иштирок этадиган корхонанинг солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи мавжуд эмаслиги тугрисдаги маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: танловда иштирок этадиган корхонанинг солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи мавжуд эмаслиги тугрисдаги маълумоти

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| STROY IZOBILIE МЧЖ | 15 | Солик ва бошка идоралардан карздорлик мавжуд эмас | 14 | Экспертная | | |
| ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER | 15 | 4. танловда иштирок этадиган корхонанинг солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи мавжуд эмаслиги тугрисдаги маълумоти | 10 | Экспертная | | |
| MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ | 15 | Карздорлиги мавжуд эмас | 13 | Экспертная | | |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ | 15 | Бугунги кун холатига корхонамиз солик ва бошка идоралардан карздорлик мавжуд эмас | 12 | Экспертная | | |
| MCHJ DNM RESEARCH | 15 | 198000000 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 танловда иштирок этадиган корхонанинг ухшаш объектлардаги иш тажрибасини тасдикловчи ижобий хулосалар (акт ввод ва счёт фактуралар)

Тип: Текстовое значение

Описание: танловда иштирок этадиган корхонанинг ухшаш объектлардаги иш тажрибасини тасдикловчи ижобий хулосалар (акт ввод ва счёт фактуралар)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| STROY IZOBILIE МЧЖ | 20 | Бажарилган ишлар малумоти | 18 | Экспертная | | |
| ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER | 20 | 3. танловда иштирок этадиган корхонанинг ухшаш объектлардаги иш тажрибасини тасдикловчи ижобий хулосалар (акт ввод ва счёт фактуралар) | 10 | Экспертная | | |
| MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ | 20 | Мавжуд | 19 | Экспертная | | |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ | 20 | Бажарилагн ишлар нусхалари такдим килинди | 18 | Экспертная | | |
| MCHJ DNM RESEARCH | 20 | 198000000 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №6 танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| STROY IZOBILIE МЧЖ | 15 | Ишчилар малумоти | 12 | Экспертная | | |
| ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER | 15 | 2. танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот | 5 | Экспертная | | |
| MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ | 15 | Корхонада жами 34 киши ишлайди, жумладан рахбар ходимлар 4, малака хужжатига эгалар 15 ва курилишда 10 йилдан куп тажрибага эгалар 15 кишини ташкил этади. | 14 | Экспертная | | |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ | 15 | Ишчи ходимлар малумоти | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ DNM RESEARCH | 15 | 198000000 | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| STROY IZOBILIE МЧЖ | 217 359 128.00 | 210 838 354.00 UZS | 210 838 354.00 | 00.00 | 210 838 354.00 | 26.07.2022 15:35:01 | 14.09 |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ | 217 359 128.00 | 215 000 000.00 UZS | 215 000 000.00 | 00.00 | 215 000 000.00 | 26.07.2022 16:29:31 | 13.81 |
| MCHJ DNM RESEARCH | 217 359 128.00 | 198 000 000.00 UZS | 198 000 000.00 | 00.00 | 198 000 000.00 | 26.07.2022 16:58:42 | 15.00 |
| MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ | 217 359 128.00 | 215 377 900.00 UZS | 215 377 900.00 | 00.00 | 215 377 900.00 | 26.07.2022 16:07:37 | 13.79 |
| OOO BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER | 217 359 128.00 | 215 000 000.00 UZS | 215 000 000.00 | 00.00 | 215 000 000.00 | 26.07.2022 15:47:11 | 13.81 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| STROY IZOBILIE МЧЖ | 71.4 | 14.09 | 85.49 |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ | 53.55 | 13.81 | 67.36 |
| MCHJ DNM RESEARCH | 68.85 | 15 | 83.85 |
| MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ | 77.35 | 13.79 | 91.14 |
| OOO BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER | 45.05 | 13.81 | 58.86 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 122395 от 27.07.2022 года на приобретение Шароф Рашидов туман Қахрамон МФЙ Бахора кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш определила победителем:

MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ
306430039

и резервный исполнитель: STROY IZOBILIE МЧЖ (203894036)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ABSAITOV ARSLON SALKINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDUSALAMOV ORIFJON OCHILBAYEVICH | Согласен | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | ISROILOV G‘OFUR QURBONBOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TOG‘AYEV MUZAFFAR UMMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHADIYEV SHERZOD NIZAMITDINOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**
**Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш**
**бошкармаси бошлиги в.в.б.**
**_____________ А.Абсаитов**
**29-июл 2022 йил.**

**Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш бошкармаси томонидан Шароф Рашидов туман Кахрамон МФЙ Бахора кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш буйича**

## ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ № 5

29.07.2022 йил. Шароф Рашидов тумани

Биз куйида имзо чекиб тасдикловчилар комиссия раиси Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш бошкармаси бош мухандиси А.Абсаитов, комиссия аъзолари бошкарма ходимлари О.Абдусаломов, Ш.Шадиев, Г.Исроилов, М.Тогаев ва Ф.Азимжоновлар Шароф Рашидов туман Ободонлаштириш бошкармаси томонидан Шароф Рашидов туман Кахрамон МФЙ Бахора кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш буйича 19.07.2022 йилда 22110012122395-сонли лот билан 217359128,0 (икки юз ун етти миллион уч юз эллик туккиз минг бир юз йигирма саккиз) сумга Давлат харидлари махсус порталига энг эхши таклифни танлаш учун эълонга куйилган.

2022 йил 27-июл куни комиссия томонидан юкоридаги лот буйича келиб тушган таклифлар урганилиб, MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ томонидан берилган 215 377 900,0 (икки юз ун беш миллион уч юз етмиш етти минг туккиз юз) сумлик Шароф Рашидов туман Кахрамон МФЙ Бахора кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш таклифи энг яхши таклиф деб топилиб, MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ танлов голиби булган.

Шароф Рашидов туман Кахрамон МФЙ Бахора кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш таклифига 2022 йил 27-июл куни танловда голиб булган MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ га дастурда шаклланган 122395-сонли баённомасига кура УРК 684-нинг 7-8 бандига мувофик баённома тузилган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни мухокамада турди ва 2022 йил 29-июл кунигача юкорида курсатиб утилган лот голиби буйича бошкармага хеч кандай эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли ушбу MALIKA-MOHINUR BUILDINGS MCHJ билан 29.07.2022 йилда Шароф Рашидов туман Кахрамон МФЙ Бахора кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш буйича 122395-сонли пудрат шартномаси тузишга келишилди.

Комиссия раиси : А.Абсаитов

Комиссия котиби : Ф.Азимжонов

Комиссия аъзолари : О.Абдусаломов

Ш.Шадиев

Г.Исроилов

М.Тогаев